

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БАЙТҚҮРҒОННИНГ ШОДЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ

"Истибол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Худойберган Толипов билан танишганимиздаёқ, халқимизга хос меҳмондўстлик билан маҳалласига таклиф қилди. Шодлик кўчасида янгидан қад ростлаган уйларда яратилган шарт-шароит ва қўлайликларни кўриб, очиги ҳавас қилдик.

— Аввалги уйимиз жойлашган ҳудуддан катта автомобиль йўли ўтиши сабабли уйларимиз бузилиши, ўрнига янги лойиҳа асосида қурилган 5 хонали ҳовли ажратилишини эшитганда, дастлаб, бир оз ўйланиб қолдим, — дейди Дилбар опа Мирзодиёрова. — 40 йиллик қадрдон уйимдан чиқиб кетишни, бутунлай янги жойга бориб жойлашишни тасаввур қилолмаганимизда. Бунинг устига жигар-жондек бўлиб кетган қўшниларимни кўзим қиймасди... Аммо, янги уйга келган илк кунимданок, ташвишларим бари беҳуда эканига амин бўлдим. Кўчиб келганимизга атиги 1 ой бўлганига қарамастан, худди азалдан шу ерда яшаётгандек, хотиржамман. Энг муҳими, кўздек қўшниларимнинг барчаси билан яна ёнма-ён яшаймиз. Шундай чиройли уйларни қурган қўли гул усталарни эса ич-ичимдан дуо қиламан. Баъзан, ҳамма шароит борлигидан, ишқилиб, дангаса бўлиб қолмасак бўлгани, деб қўяман.

Ўзининг гапларидан қулганча, "Илоҳим, кўз тегмасин", дея Дилбар



Қибрай туманининг Байтқўрғон қишлоғида янги, кўркем уй-жойлар қад кўтарган наватдаги манзил "Шодлик", деб аталгани бежиз эмас. Негаки, ўзларининг янги бахт ошёнлари — замонавий уйларда келажак режаларини тузайтган қишлоқ одамларининг қалблари ҳам шоду хуррамлик билан лиммо-лим.

□ Бунёдкорлик

опа бизни қўшнилариникига бошлади. Энг қизиғи, уйда ҳеч ким йўқлигига қарамай, опа эшигига қулф осмади...

ИҚБОЛИ КУЛҒАН «ИСТИҚБОЛ»

Шодлик кўчасида бири опа, бири сингил, яна бири ака-ука бўлиб яшаётган маҳалланинг файзи бўлакча.

Қўшни хонадонга кирганимизда димоғимизга шўрваннинг хушбўй ҳиди урилди. — Эрталабдан бери ўнг кўзим учади, сизларнинг келишингизга экан-да, — уй бекаси Мавлуда опа бизни ана шундай самимий сўзлар билан қарши олди. Шу самимийликдан орадаги бегоналик тарқаб кетди.

— Уйимиз кўнглимдагидек бўладими, йўқми, де-

ган ўй билан ҳар кун келиб, усталарнинг ҳолидан хабар олиб турдим, — дейди Мавлуда опа Азимова. — Аммо, бу ерда олиб борилаётган қурилиш ишларини кўриб, хавотирларим бекор эканини тушундим. Барака топкур, усталар худди ўз уйини қураётгандек, чин кўнгилдан ишлашди.

Дарҳақиқат, бундай уйларни кўриб, яшашга

бўлган иштиёқингиз янада ошади.

Очигини айтиш керак, суҳбат давомида кўплаб хонадон эгалари аввалги уйларидаги шароит бу даражада бўлмаганини тан олишди.

— 4 нафар ўғлим, 2 нафар қизим бор, — дейди Мавлуда опа. — Биласиз, ўғли бор одам уй қуриш ташвишига тушиб қолади. Шу вақтгача икки ўғлимни уйли-жойли қил-

дим. Даврон ва Ихтиёр, келинларим ва набираларим билан эса бир ҳовлида турамиз. Тўғриси айтсам, аёл бошимга уларга ҳам уй-жой қилиш мен учун имконсиз эди. Мана шу қурилишларнинг бошида турганларга минг раҳмат. Иккала ўғлим учун ҳам ер ажратиб беришди. Энди уларни ҳам алоҳида чиқариш муаммосидан қутулдим...

Давоми 2-бетда. ➡

□ Халқаро анжуман

Тошкент шаҳрида "Ҳамкорликнинг янги уфқлари" мавзuida Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг савдо, саноат, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, банк-молия, электр техникаси ишлаб чиқариш, сайёҳлик, авиаташув, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, логистика каби соҳаларга ихтисослашган фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ФОРУМИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икромов, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси вице-президенти Владимир Падалко ва бошқалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сарможий ҳамкорлик тобора мустақамланиб бораётганини таъкидлади. Ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан бири. 2016 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланиши 4 миллиард АҚШ долларидан ошган. Ўзбекистондан Россияга табиий газ, автомобиллар, кимёвий ва тўқимачилик маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ва бошқа товарлар етказиб берилмоқда. Россиядан қора ва рангли металл, ёғоч, нефть ва нефть маҳсулотлари, электр техникалар, қозғоқ буюмлари ва фармацевтика воситалари харид қилинмоқда.

Мамлакатимизда Россия инвестициялари иштирокида тузилган 961 корхона, Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 569 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 64 етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, туризм соҳаларидаги салоҳияти, эркин иқтисодий зоналар фаолияти, валюта муомаласини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

мол берилди.

Ўзбекистон билан Россия ишбилармонлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, савдо, сармоя, молия, энергетика ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш масалалари, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган секция мажлисларида "Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш", "Туризм — ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантирувчи куч сифатида", "Минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда транспорт ва логистика" каби мавзуларга оид маърузалар тингланди.

Форум доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ўртасида халқаро тижорат арбитражи ва медиация соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, 2018-2019 йилларда Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ва Ўзбекистон — Россия ишбилармонлар кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум соҳаларидаги салоҳияти, эркин иқтисодий зоналар фаолияти, валюта муомаласини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар ҳақида маълумот берилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

ҲАЁТИЙ ДАСТУРЛАР РЎЁБИ

Президентимиз ташаббуси билан республикамиз ҳудудларини комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай сый-ҳаракатлар одамларнинг эртанги турмушини яхшилаш, уларга яшаш ва ишлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги билан айниқса, аҳамиятлидир.

□ Ислохот ва самара

Таъкидлаш кераки, қисқа давр мобайнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жаддалаштириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек, ислохотлар жараёнида фуқароларнинг фаоллигини ошириш ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилинди. Айниқса, ҳудудларга бевосита давлат бошқаруви идоралари вакиллари ва мутасадди раҳбарларнинг бириктирилиши жойларда ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсишига эришишга хизмат қилмоқда.

Буни бугун Қуйи Чирчиқ туманида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, киритилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман саноати у қадар ривожланмаган ҳудудлардан ҳисобланади. Масалан, таҳлиллар бу ерда аҳоли жон бошига ўртача 1,3 миллион сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилаётганини кўрсатмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

□ Интилиш

Чиноз туманидаги "JUFU" масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг маҳсулотларига нафақат ўзимизда, балки чет давлатларда ҳам сўров катта.

Хитойлик ҳамкорлар инвестицияси асосида ташкил этилган корхонада болалар учун мўлжалланган уч гилдиракли велосипед, аргимчоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Технология Хитойдан келтирилган, — дейди тажрибали уста Дилшод Тошпўлатов. — Хом ашё эса, ўзимизники. Тўғри, иш жараёни бир оз қийин, аммо ҳамкорлар ўз тажрибаларини

ЭКСПОРТДА ГАП КЎП

биз билан ўртоқлашмоқдалар. Албатта, бу ўз самарасини бераётир.

Кувонарлиси, "JUFU" қисқа фурсатда ўз маҳсулотларини Тожикистонга экспорт қилишга ҳам улгурди. Улар ўртасида 120 минг АҚШ долларлик шартнома имзоланган бўлиб, ҳозиргача 100 минг долларлик маҳсулот харидорларга етказилди.

— Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишни кенгайтириб, 200 га яқин янги иш ўрни ташкил қилишни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Олимжон Дадажонов. — Шунингдек, велосипедларнинг тури ва со-

нини кўпайтириш устида ишляймиз.

Бугунгача "JUFU"да ишлаб чиқарилган 178 миллион сўмлик маҳсулотлар икки бозорларимизда ўз эгаларини топди.

Корхона жамоаси 28 кишидан иборат бўлиб, улар-

нинг аксари ёшлардир.

Дарвоқе, корхона Киргизистон, Қозоғистон, Россия давлатлари билан ҳам тез орада шартнома имзолаши кутилмоқда.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Маҳаллалар чирой очмоқда

Тошкент туманида тадбиркорлар ташаббуси билан бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш шахобчалари иш бошлади.

Келес шаҳрининг "Ободлик" маҳалласида "Нур-ҳаёт" ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда "Артел" компанияси ўз филиалини ташкил этди. Натижада, ҳудуддаги юзга яқин аҳоли ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

"Хувайдо" маҳалласидаги замонавий кўринишдаги озиқ-овқат дўконлари, до-рихона ва хизмат кўрсатиш мажмуала-

ри қаторига маҳаллий тадбиркор Улуғбек Рашидовнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган янги автомобилларга хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда "Бир зумда", деб номланган қаҳвахона қўшилди. Бу ерда касб-хунар коллежини битирган ёшларнинг 8 нафари доимий иш жойига эга бўлди.

Юлдузхон
ФАЗИЛДИНОВА.

Ушбу анжуман Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Хитой Савдо-саноат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур халқаро ўқув-семинар дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида

Мутахассисларимиз Хитойда тажриба алмашди

Тошкент Давлат аграр университети "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик" факультетининг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш" кафедраси доценти Актам Азизов бошчилигидаги мутахассислар Хитойнинг Хунан вилояти Чэнша шаҳрида ташкил этилган халқаро ўқув-семинарда иштирок этди.

Қишлоқ хўжалигида ўз ўрнига эга бўлган мойли ва дуккакли экинлар ҳамда асаларичилик йўналишлари бўйича халқаро тажриба-

ларни ўрганиш, соҳадаги илғор технологиялар билан яқиндан танишиш ва мутахассислар малакасини оширишга хизмат қилади.

Халқаро ўқув-семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

Тадбиркор қизнинг мақсади

Мамлакатимизда яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида эътибор самарасида ўз бизнесини очиб, ишлаб чи-

қариш билан фаол шугулланаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўз олдига тадбиркор бўлиш мақсадини қўйган Нодира Маннопова ҳам

"Хунарданд" уюшмаси Қибрай тумани бўлими кўмагида тижорат банкидан 15 миллион сўм кредит олиб,

"Нодирабегим" тикувчилик цехини ташкил қилди. Ҳозир бу цехда 15 нафар тикувчи меҳнат қилмоқда. Улар ти-

каётган замонавий кийим-

ларни ўрганиш, соҳадаги илғор технологиялар билан яқиндан танишиш ва мутахассислар малакасини оширишга хизмат қилади.

ҲАКИМА АЯНИНГ КУВОНЧИ

Шодлик кўчасида қурилган уйлардан бирида Ҳакима ая Юсупова истиқомат қилади. Сал кам ярим аср ўқитувчи бўлган бу аёл билан суҳбатлашган одам унинг ўқувчисига айланиши шубҳасиз. Биз ҳам Ҳакима аянинг ҳовлисига кирганимизда шуни ҳис қилдик. Бизга ҳамроҳлик қилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

ларини ҳал қилиш йўлида тиним билмай ишлаётган раҳбарларимизга раҳмат. Одамларга бундай ғамқўрлик кўрсатаётган давлатнинг эртаси бугуниданда фаровон бўлиши, истиқболи порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Аянинг айтишича, Сингапур менежментни ривожлантириш институтида тахсил олаётган қизини узатиш тараддудида экан. Тўйга бизни ҳам таклиф қилди.

жиддий жароҳат орттириши аниқ. Шундай экан, ана шу камчиликини йўқ қилиш учун туман ҳокимлиги, маҳалла аҳли бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилишса, бу муаммо тез кунда ҳал бўлади.

Байтқўрғондан чиқиб борар эканмиз, Ҳакима аянинг бир фикри қулоғимиз остида жаранглаб тургандек бўлаверди: "Ота-онанинг бурчи учта. Фарзанда исми кўйиш, таълим-тарбия бе-

БАЙТҚҮРҒОННИНГ ШОДЛИК ВА ОБОДЛИК МАНЗИЛИ



Ахир, янги маҳаллалардаги янги уйларга тўйлар ярашади-да.

ОБОДЛИК – КЎНГИЛДАН...

"Иш бор жойда камчилик бўлади", деган ғал бор. Бу беҳизга айтилмаган. Уша камчиликини ўз вақтида бар-тароф этиш, кейинги кўн-гилсизликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Шодлик кўчасидаги сафа-римизни охирига етказиш тараддудида турганимизда бир оз дилни хира қиладиган вазиятга дуч келдик. Шундоққина замонавий уй-лар ва ҳудуддаги 21-мактаб ўртасида чуқур ўралар кўзга ташланди. Тумларнинг лўмбози-ю, сувоғи учун туп-роқ манбаи бўлиб хизмат қилган бу ер қурилиш туга-гандан кейин тўлдириб, те-кислаб, аввалги ҳолига кел-тириб қўйилмагани, чор-ат-рофдаги гузал манзарага соя солиб турибди. Шундоқ-қина уйлarning олдида пай-до бўлган бу ўраларнинг ичига ахлат тўкиш бошлан-ган. Шунингдек, ҳар бир хо-надонда ёш болалар бор-лигини инобатга олсак, бу улар саломатлиги учун ҳам хавфли. Зеро, бола ўйинка-роқ бўлади. Уни ҳар доим ҳам назорат қилиб бўлмай-ди. Уйинга берилиб кетган вақтида беҳосдан йиқилиб, ўрага тушиб кетган бола

риш, уйлантириш, узатиш. Тўртинчидан, имконият бўл-са, уйли-жойли қилиш. Мен-да ана шундай имконият йўқ эди. Шу имконият ва имти-ёзни давлатимиз яратди. Бунинг учун Президентимиз-дан жуда миннатдорман. Учала ўғлим ҳам уйли-жой-ли бўлди. Бу ҳаракатлар Юртбошимизнинг: "Шаҳар билан қишлоқнинг бориб-бориб фарқи қолмайди. Ак-синча, қишлоқ афзал бўлиб боради", деган сўзларининг айнан исботидир.

Бу каби улкан бунёдкор-лик ишларини кузатгани-мизда шоир Мақсуд Шайх-зоданинг ушбу сатрлари бе-ихтиёр хаёлимиздан кечади:

Шаҳарлар боқийдир,
умр – ўткинчи,
Дарёлар собитдир,
сувлар – кўнчинчи,
Ҳар ким ўз шаҳрида
қўйган эсдалик,
Е бино қуришда
катта усталик...

Зотан, "Иморат қурмоқ – савобдир", дейди халқи-миз. Савобнинг эса умри боқий бўлади. Демак, ша-ҳар ҳам боқий, шаҳар қур-ганлар ҳам...

Обод маҳалла – эгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғи. Маҳалласидаги обод-ликни кўриб улғайётган бо-лалар эртага Ватанини ҳам обод қилиши шубҳасиз.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Бу вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан уч баробар кам дегандир. Шу боис, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрса-тиш соҳаларини ривож-лантириш билан бир қаторда йирик замонавий корхоналар қуриш ва фой-даланишга топшириш ма-саласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бу ерда 2017-2018 йилларда қиймати 64 миллиард сўмлик бўлган 30 та лойиҳанинг амалга оширилиши ре-жалаштирилган. Бунинг натижасида, жойларда 1000 та янги иш ўрни яратилади. Бундай қўла-мий ишлар асосан, сано-атни модернизация ва диверсификация қилиш, жойларда мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори сифатли маҳсу-лотлар ишлаб чиқариш-ни йўлга қўйиш орқали амалга оширилиши ало-ҳида аҳамиятга эга.

Бу ҳақда гапирганда, 2018 йилдаги энг йирик лойиҳалардан бири – Хитойнинг "Рикон" ком-панисини билан ҳамкор-ликда қиймати 7 мил-лион АҚШ долларига

← Бошлангич 1-бета.

Учрашув

Бекобод туманидаги "Бўстон" маҳалласида тўйларни ихчам ва камчиқим ўтказишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда маҳалланинг нуруний отахон ва онахонлари, уй бекалари, ёшлар ҳамда фаоллар иштирок этишди. Тадбир ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш тарзида ташкил этилди.

ТҲЙ МАСЛАҲАТ БИЛАН БЎЙДРИДИЛАР

Тадбирда тўй маросимларини ихчам ва тартибли ўтказиш, тур-ли хил ортиқча дабдабазолик ва исрофгарчиликка чек қўйиш, мил-лий урф-одатларимиз ва қадри-ятларимизга амал қилиш муҳим-лигига эътибор қаратилди. Ушбу мавзу бўйича сўзга чиққанлар ма-ҳаллада тўй маросимларини на-мунали ўтказиш, ортиқча сарф-ха-ражатларга йўл қўймаслик, тўй комиссияси-фаолиятини ошириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари-ни билдирдилар. Шунингдек, "Бўстон" маҳалла фуқаролар йи-ғини раиси Тожихон Раҳмонова, "Маҳалла" жамоат фонди туман кенгаши масъул ходими Саида Сувонова тўй комиссиясининг иш-тини янада жонлантириш, тўй-ларни намунали тарзда ўтказиш юзасидан ўз таклифларини бил-дирдилар.

Йиғилишда кекса онахонлар, кўпни кўрган фахрийлар ҳам сўзга чиқишиб, ўзларининг фой-

дали маслаҳатлари ва тавсияла-рини билдиришди. Жумладан, тўй комиссияси ишини жонлан-тириш учун комиссия таркиби-га ҳар бир кўчадан вакиллар ки-ритиш, тўйларга бош-қош бўлиш учун эътиборли отахонлардан элбоси сайлаш таклифини ки-ритдилар. Йиғилиш аҳли бир овоздан Фурқат Деҳқоновни ма-ҳалла элбосини этиб сайлади-лар.

Ашуралӣ БОЙМУРОВОД.

та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилди.

Шунингдек, эндиликда 12 гектар майдонни эгал-лаган илгариги темир-бетон маҳсулотлари за-водида 11 миллиард сўм-лик сармоя эвазига за-монавий темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чи-қаришга ихтисослашган

лотларини қайта ишлаш лойиҳасига инвестиция киритиш ҳисобидан ма-ҳаллий фермер ва деҳ-қон ҳўжалигида етиш-тирилаётган нўхат, мак-кажўхори ва ловия ҳоси-лидан консерва маҳсу-лотлари ишлаб чиқа-ришга мўлжалланган кор-хона ташкил этилади. Бу

ҳўжалик ташкил этилади. Албатта, яқин истиқ-болда амалга оширили-ши режалаштирилаётган ушбу лойиҳаларнинг бар-часи, аввало, инсон ман-фаатларига қаратилган. Шу маънода, белгилан-ган дастурдан ҳудуд учун энг долзарб ижтимоий масалалардан бири бўл-ган – аҳолини тоза ичим-лик суви билан таъмин-лаш вазифасининг ўрин олганлиги алоҳида эъти-борга лойиқ. Бу борада ишлаб чиқилган маҳсу-дастурга мувофиқ, 2017-2018 йилларда амалга оширилаётган ишлар ҳисобидан "Сурум", "Дўстлик", Ҳамза номли маҳаллалар ҳудуди аҳо-лисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтган-да, бугун туманда саноат, қишлоқ ҳўжалиги соҳала-рида истиқболли лойиҳа-ларнинг жорий этилаётга-ни аҳоли, айниқса, ёшлар-ни доимий иш билан таъ-минлаш бораборида, ҳудуд иқтисодиётини яна-да юксалтириш, халқ тур-муш фаровонлигини оши-ришга хизмат қилади.

**Юлдузхон
МУҲИДДИНОВА,**
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдинда

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда мактаб таълими тизими тубдан ўзгарти-рилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълимнинг қайта тиклангани қувонарлидир. Ҳудди шу йўналишда мактабгача таълим ти-зими ҳам тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Дарҳақиқат, баркамол, етук авлодни вояга етказишда, энг аввало, бошлангич таъ-лим мустаҳкам бўлиши зарур. Бу борада мактабгача таъ-лим тизимига алоҳида эъти-бор қаратилаётгани мақсад-га мувофиқдир. Туманимиз-да ҳам мавжуд 11 та мактаб-гача таълим муассасалари-нинг шарт-шароитлари туб-дан яхшиланди, замонавий жиҳозлар билан таъминлан-ди. Айни чоғда туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта умумтаълим мактаб-ларида таълим сифатини, ўқитиш самарадорлигини ях-шилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Янги ўқув йилида мактаб-ла-

римизнинг 1-синфига 2 минг 537 нафар бола қабул қилин-ди. Ота-оналар ва ўқувчи-ёшларнинг хоҳиш-истаклари эътиборга олинган ҳолда 757 нафар ўқувчи мактабларнинг 10-синфига қабул қилинди. Ана шуларни ҳисобга ол-ган ҳолда ўрта умумтаълим мактабларининг моддий-тех-ник базасини мустаҳкамлаш-га, кадрлар салоҳияти, таъ-лим бериш сифатини тубдан яхшилашга эътибор қара-таяпмиз. Зеро, халқ таълими муассасаларини методик жи-ҳатдан пухта таъминлаш биз-нинг асосий мақсадимиздир.

Ҳусанбой СОИБНАЗАРОВ,
Бўқа тумани ХТМФОТ ва
ТЭБ мудири.

УСТОЗЛАР КЎМАГИ – ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Бугун юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар тайёр-лаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз-ўзи-дан равшанки, тиббиёт кадрларини тайёрлайдиган таълим му-ассасаларининг зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда.

Бекобод тиббиёт коллежи жамоаси ҳам ўз олдига қўйган вазифаларини сидқидилдан адо этмоқда. Ўтган йили коллежimizни 414 на-фар ёш тиббиёт мутахассиси-самомлаб чиққан бўлса, уларнинг аксарият қисми ту-ман ва шаҳар тиббиёт муас-сасаларида ўз иш фаолияти-ни бошлашди.

Айни кунларда коллежнинг илғор ўқитувчиларидан Нилу-фар Носирова, Ҳилола Расу-лова, Моҳира Бердикулова, Феруза Турсункулова, Аса-тилла Яхеевнинг иш тажри-баси, ибратли меҳнати таҳ-синга сазовор. Айнан улар-

нинг саъй-ҳаракатлари ту-файли ёш, ишни энди бош-лаётган мутахассисларнинг амалий кўникмалари тако-миллаштирилмоқда.

Бўлажақ тиббиёт ходимла-рининг касбий малакалари, таълим бериш сифатини яна-да яхшилаш учун билим дар-гоҳимизда клиник фанларни чуқур ўргатишга, амалиётни кўпайтиришга жиддий эъти-бор қаратилаётир. Буларнинг барчаси малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш-нинг муҳим омиллидир.

Мастура АБДУРАЗАКОВА,
Бекобод тиббиёт
коллежи директори.

СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ТАЪЗИМ

Юқори Чирчиқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим макта-бида яқинлашиб келаётган байрам – 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан "Сизга таъзим, ус-тозлар!" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП туман кен-гаши, партиянинг "Фаол аёл-лар", "Истиқбол" ёшлар қанотлари, туман халқ таъли-ми муассасалари фаолияти-ни методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда таълим, фан ва маданият хо-шимлари касоба уюшмаси туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тад-бирда маҳаллий кенгаш де-путатлари, партия ва маҳа-лла фаоллари, таълим соҳаси вакиллари ҳамда ёшлар иш-тирок этди.

Ота-она фарзандига моддий ато қилса, муаллим маънавият бағишлайди. Қўлга китоб, деган неъмат,

қалбига муҳаббат, деган туй-ғуни жо этади, – дейди тад-бирда сўз олган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўр-сатган журналист Қобилбек Қаримбеков.

Мамлакатимизда ушбу касб эгаларига қўллаб-шарт-шароитлар, кенг имконият-лар яратиб берилмоқда.

Ҳа, устоз-ўқитувчилар ҳа-қида ҳар қанча мақтов сўзлар айтсак, барибир камдек тую-лаверади. Чунки, бобонинг боғидаги дарахлар йиллар давомида ҳосил бергани каби ўқитувчи, деган шарафли ном қўллаб шоғирдлари қамоли-да намоён бўлаверади.

Латифхон МАНСУРОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси
ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг 11, 41, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2017 йил 24 сентябрда Халқ де-путатлари Тошкент вилояти Кенга-шидаги бўшаб қолган 1-"Ангрен", 5-

"Металлург", 11-"Саноатчилар", 18-"Бўстон", 27-"Келес", 45-"Қумовул" сайлов округлари депутатлик ўрин-

ларига сайлов ўтган, деб ҳисоб-лансин.

2. Сайлов жараёнларида овоз бе-

Депутатнинг фамилияси, исми ва шарифи	Туғилган йили	Партиявийлиги	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили	Қайси сайлов округидан сайланган
Бегматов Абдуқадир Одилматович	1968 йил, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Ангрен шаҳар "Ленд барака файз" хусусий фирмаси раҳбари	Тошкент вилояти Ангрен шаҳри	1-"Ангрен" сайлов округи
Файзуллаев Зафар Джоруллаевич	1958 йил, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Бекобод шаҳар ҳокими	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	5-"Металлург" сайлов округи
Рашитов Кахраман Батырович	1963 йил, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	ЎзХДП аъзоси	Чирчиқ шаҳар ҳокими	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	11-"Саноатчилар" сайлов округи
Исламов Зиявутдин Игнатович	1961 йил, Тошкент шаҳри	Ўз "Адолат" СДП аъзоси	Бўстонлик тумани "Sunny Breeze" масъулияти чек-ланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри	18-"Бўстон" сайлов округи
Мансурова Санобархон Атамонова	1974 йил, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри	ЎзЛиДеП аъзоси	Фуқаролик жамияти шаклла-нишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими маси раҳбари	Тошкент шаҳри	27-"Келес" сайлов округи
Нурматов Олимжон Раҳимжонович	1967 йил, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани	ЎзХДП аъзоси	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	45-"Қумовул" сайлов округи

3. Сайлов жараёнларида овоз бериш на-тижалари тўғрисидаги 51-"Эски Тошкент" округ сайлов комиссиясининг баённомаси-га асосан, мазкур округда сайлов ўтмаган, деб ҳисоблансин ҳамда 2 ҳафта мuddатда округ сайлов комиссияси томонидан "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаш-

ларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунининг 42-моддасига асосан

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Нурафшон шаҳри, 2017 йил 24 сентябрь

Ҳ. МУҲАМЕДОВ

тақрорий овоз бериш ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

СОҒЛИҚ ҚАЛАЙ, БЕМОР?

Ҳамкасбим вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида даволанаётганини эшитиб, кўргани бордик. Диспансер фаолияти ҳақида мақола тайёрлаш фикри шунда туғилди.

Тиббиёт

— Ёзсангиз арзийди. Бу ерда шароит яхши, шифокор ва ҳамширалар ўз ишининг устаси, муомаласига гап йўқ. Дарддан секин-аста фориг бўламан, — дейди танишимиз.

Диспансер бош шифокори ўринбосари Марат Турсуновнинг қабулига кирдик. Бизга берилган маълумотга кўра, диспансер 1970 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда унинг таркибига маслаҳат поликлиникаси, тери-таносил, юкумли ва жинсий аъзолар орқали юкувчи касалликлар бўлими, клиник диагностика ва марказий серологик лаборатория бор. Тиббиёт фанлари номзоди Отабек Имомов бошчилигида диспансернинг 88 кишилик жамоаси беморлар саломатлигини сақлаш йўлида тиним билишмаяпти. 18 нафар шифокорнинг 6 нафари олий тоифали. 43 нафар ҳамшира юқори малакага эга. Муассасада 85 та бюджет ва 5 та ҳўжалик ҳисобидидаги ўринлар ташкил этилган.

— Бизга асосан, вителиги, псориаз, экзема, замбуруғ, захм, сўзак, паразитар касалликлар билан оғирганлар мурожаат қилишади, — дейди маслаҳат поликлиникаси бош шифокори Шерзод Махмудов. — Айримларда оддий тиббий саводхонлик етишмаса, баъзилар ўз соғлигига беэтибор қарашади. Касаллик кучайиб кетгандан сўнг югуриб қолишади. Лекин, биз ҳар қандай ҳолатда ҳам тезкор ва самарали даво чораларини қўллашмиш.

Бу ерда ходимларнинг малакасини оширишга жиддий қаралади. Дерматолог Индира Абдувоҳидова Россиянинг Нижни Новгород шаҳрида малака ошириб қайтди. Комил Маликов эса, Санкт-Петербургда ўз йўналиши бўйича ўқиди. Ҳозир улар олган билим ва кўникмаларини иш фаолиятида қўллашмоқда.

Яқинда лаборатория, барча бўлимлар таъмирдан чиқарилди. Косметология хонаси ҳам янгича қиёфага келтирилди. Энди таҳлилларни олишда янада аниқлик бўлади. Ходимлар қўлай шароитларда меҳнат қилишади. Бу ўз ишдан қониқши, самара ва унумдорлик, деганидир.

— Диспансеримизда муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди М. Турсунов. — Мисол учун, вителигини даволашда кенг қўлланладиган аппарат, ўсимталарни олиб ташлашда зарурий лазер аппарати йўқ. Агар шу тиббий жиҳозлар олинса, ишимиз янада самарали бўлар эди.

Яна бир гап. Айни кунда Бекобод шаҳри, Бекобод, Пискент туманларида дермотовенеролог етишмас экан.

Хуришда ТУРСУНБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Шу сонга

Бугун пойтахтда "MobiCon - 2017" конференцияси бўлиб ўтди. Ҳар йили Марказий Осиёдаги ягона мобил конференцияга соҳанинг энг кўзга татанганларини муҳокама қилиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан мутахассислар йиғилади.

МОБИЛЬ КОНФЕРЕНЦИЯ ТОШКЕНТДА

Мазкур анжуманнинг бош хомийси — "Beeline" компанияси, конференция ташкилотчиси — "Ledokol Group". Иккинчи марта ўтказилган анжумани Республика ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги расмий қўллаб-қувватламоқда.

Бу йилги конференцияда мобиль алоқа соҳасидаги етакчи мутахассислар, Яндекси, Одноклассники, UFOX компаниясининг вакиллари иштирок этишади ҳамда 20 дан зиёд спикерлар сўзга чиқилади.

— "MobiCon" конференциясига бўлган қизиқиш ортиб бораётганидан мамнунмиз, — дейди "Unitel" масъулияти чекланган жамияти ташки алоқалар ва коммуникациялар бўйича директори Ораз Абдуразақов. — Бундай тадбирлар соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатади. Келгуси йил учун тенденциялар ва истиқболларни шакллантиради. Таҳрирлар билан ўртоқлашмиш, ҳам-

касблар билан фикр алмашмиш, шунингдек, рақамли сановатнинг глобал тенденциялари билан танишиш имконига эга эканлигинида мамнунмиз. Анжуманда рақамли, Интернет-маркетинг, мобиль технологиялар ва коммуникациялар соҳасида мутахассислар энг долзарб профессионал мавзуларда суҳбат қуришади. Мисол учун, бу микроскода мазкур майдонда биринчи марта оммавий ахборот воситаларининг истиқболли йўналиши сифатида видео-блогерлик масалалари муҳокама қилинади. Экспертлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари эътиборини мобиль тижорат ва мобиль банкинг масалаларига ҳам қаратишади. Энг қизиги бахслар эскирган маркетинг тушунчалари ва унинг рақамли шаклга айланиши ва ижтимоий тармоқлардаги фаол тенденцияларга бағишланган сессияларда бўлиши кутулкида.

Хуришда НАЗАРОВА.

Бахт ошени

Оила — тарбия мактаби, бахт бекати. Махфират ая билан Собир отанинг бугунги бахтиёр дамлари уларнинг шу кунларга етгунча қилган ҳалол меҳнатлари, бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббатлари меваси, аслида.

Яқинда Чинозда ўтказилган "Намунали оила" кўрик-танловининг туман босқичида ҳайрат аъзолари томонидан каттаепалик Норхўжаевлар оиласи энг намунали, деб топилди. Аслида бу оилани нафақат маҳаллада, балки, туманда ҳам яхши билишади. Бир-бирига меҳр қўйиб, ҳаётнинг аччиқ-чуқлигини биргаликда тотиб, хонадонини ибратли оила даражасига кўтарган Собир ота билан Махфират ая ҳақиқатан ҳам ҳавас қилгулик бахт кўргонини яратилди. Буни уларнинг ҳаёт йўлидан ҳам кўриш мумкин.

Хонадон соҳиби Собир Норхўжаев икки олийгоҳни

Танлов

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Навоий ворислари" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

НАВОЙНИ ЎҚИГАН ЁШЛАР

Маънавий-маърифий тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорлигида ташкил этилди.

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти ва ижодини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, навқирон авлод вакиллари буюк мутафаккир шоирнинг бой ва мукаммал адабий меросидан баҳраманд этиш, ёшларни миллий-маънавий ва тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат, аждодлардан фахрлиниш туйғусини камол топтириш сингари эзгу ишлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш"

тамомлаган. Мутахассислиги иқтисодчи, педагог. Қарийб 30 йил "Халқ банки"нинг туман бўлимида фаолият юритиб, элу юрт қорига яради, 10 йилдан ортқ 45-сонли умумтаълим мактабиде ёшларга сабоқ берди. Мутахассислиги ҳисобчи бўлган Махфират ая 35 йил давомида туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими ва банк тизимида ҳисобчи бўлиб ишлади.

Элу юрт орасида ҳурмат топан Собир отани ҳамқишлоқлари маҳаллага оқсоқол қилиб сайлашди. Шу йиллар ичида у ҳудуддаги қанчадан-қанча яхши ишларга бош-қош бўлиб, маҳаллани тумандаги илғорлар сафига қўшди. Махфират ая эса қайисни сифатида маҳалладолларининг беминнат маслаҳатгўйи бугун.

Фарзандаг яхши тарбия бериб, уни эл қаторига қўйиш ҳам ўзбекона эзгу қадриятларимиздан бири. Оилада отанинг аҳиллиги, бир-бири-



демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида алоҳида ўрин тутди.

"Навоий ворислари" республика кўрик-танлови ҳам ана шу йўналишдаги ишларни изчил давоми бўлиб, танлов Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, устоз-шоғирд аънаъасини ривожлантиришга бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 18 нафар ёш энг кўп ғазал ёд олиш, бехато ва ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баънини яратиб олиш ҳамда ундаги

мураккаб сўзларни изоҳлаш каби шартлар бўйича ўз билимларини синовдан ўтказдилар.

Танловда ҳайрат аъзолари томонидан Юкори Чирчиқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Нилуфар Усмоналиеванинг қишқилари юқори баҳоланиб, ғолиб, деб топилди ва у танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлди. Паркент туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Хонзода Абдусатовага 2-ўрин насиб этди. Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Мадина Толипова-нинг қишқилари 3-ўринга муносиб кўрилди.

Ўз мухбиримиз.
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.

ФАХРИЙЛАР ФАОЛ

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган уюшмалардан бири — "Фахрий аёллар" навбатдаги тадбирини "Бой миллий маданиятимиз, меросимизни асраймиз" шиори остида ташкил этди.

Тадбир

Оҳангарон туманидаги Шоабдумалик ота зиёратгоҳи мисолида вилоятимиздаги қадимжолар, қабристонларни орасталаш, обод қилиш ва бу ишларга кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни жалб этиш, уларга шахсий ибрат қўрсатиш ҳақида сўз борди. Халққаро "Олтин мерос"

хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмирзаеванинг мавзуга доир қизиқарли маърузаси тингланди. Уюшма аъзолари кейинги тадбирни Бекобод тумани маҳаллаларидаги ёш оилалар билан учрашув, давра суҳбати тарзида ўтказишга келишиб олишди.

С. ЭШМАТОВА.

МАНГУ ЛАТОФАТ МАСКАНЛАРИ

Юртимизда айни вақтда 8 та давлат кўриқхонаси, 3 та миллий бог, битта эко-марказ, битта биосфера резервати, 12 та давлат буюртма хонаси, 5 та табиат ёдгорлиги бўлиб, улар миллий ҳамда халққаро "Қизил китоб"га киритилган.

Экология

Мазкур маълумотлар Зангиота агросервис касб-хунар коллежида Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими хамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда "Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонун ижросига бағишлаб ўтказилган "Кўриқхоналарни асраш келажак учун" мавзусидаги давра суҳбатида айтиб ўтилди.

Ушбу Қонуннинг ҳаётга таъбиқ этилиши бу борада янги босқични бошлаб берди. Му-

хофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб, камсонли, йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга. Бунда эса, кўриқхоналардаги қимматли табиий хилма-хилликни, ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг узвий давомийлигини таъминлаш, инсон ва табиат орасидаги ришталарни мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди.

"Чотқол" давлат биосфера кўриқхонаси табиий хилма-хиллиги бўйича республикада ягона биосфера ма-

комини олган. У Фарбий Тянь-Шань ҳудудидаги ягона кўриқхона ҳамдир. Кўриқхона ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг қамбў турларини сақлашда муҳим бўлибгина қолмай, балки у аҳолини тоза ҳаво ва сув билан таъминлаш ҳамда тоғ ён-бағирларини эрозиядан сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

70 йиллик тарихга эга "Чотқол" давлат биосфера кўриқхонасининг майдони 35 минг 724 гектарга тенг. 1986 йили у

ЮНЕСКО томонидан жаҳондаги энг йирик кўриқхоналар сирасига киритилган. 1991 йилдан эса Халққаро биосфера кўриқхонаси сифатида эътироф этилди. Кўриқхона йикта бўлимдан иборат. "Бош қизилсой" бўлими Паркент туманида жойлашган бўлса, "Майдонтоп" бўлими Бўстонлиқ туманига тегишли.

Ушбу ҳудудларда ўсимликларнинг 1 минг 200 га яқин тури

Истеъмолчи бурчаги

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясига олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим ўрин тутди. Таҳририятга ҳам истеъмолчилардан ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш келади.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

Қуйида шу мавзудаги саволларга Тошкент вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси ўринбосари Бурхон Қувондиқов жавоб беради.

— **Зангиота туманида яшайман. Яқинда ҳудудий мишдаги озик-овқат дўконидан йогурт ва қатик сотиб олдим. Уйга келиб, ушбу махсусотларни очиб кўрганимда уларнинг таъми бузиллиб, ноҳуш хид чиқаётгани маълум бўлди. Уни дўконга олиб борганимда, сотувчи алмаштириб бера олмаслигини айтди. Шу боис, сотиб олган махсусотларимни туман санитария-эпидемиология назорати марказига олиб бордим. Марказ ходимлари менга унинг таркиби бузилганлиги, инсон ҳаётига хавфли эканлигини маълум қилишди. Айтишчи, бундай ҳолатда сотувчига қандай жавобгарлик белгиланган?**

— Дўконларда гўшт-сут, балик, қандолатчилик, ярим тайёр, тайёр масалликлар ва бошқа тез бузиладиган махсусотларни сотишда фақат совутиладиган пештахталар, витриналардан фойдаланишга рухсат берилади. Махсусотни меъёрида сақлаш ва унинг яроқлилик мuddатини мунтазам назорат қилиб бориш сотувчининг вазифасига кириди. Сифатсиз ва инсон ҳаётига хавф туғдирувчи товарларни кўрқўна сотувга чиқарган, унинг яроқлилик мuddатини назорат қилмаган "савдо ходимлари"га нисбатан қондабузарликка йўл қўйганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

— **Бекобод шаҳридаги кимёвий тозалаш корхонасига қизимнинг пальтосини топширган эдим. Айтилган мuddатда уни олиш учун борганимда, ходимлар мен топширган пальтосини топта олишмади. Афсуски, менга берилган кимёвий тазалаш хизмати ўзининг талабини қонун ва шартномада белгиланган мuddат давомида нуксонларни бартараф этмасда, кечиктирилган ҳар бир кун ва соати учун буюртма баҳосининг 1 фоизи микдорда истеъмолчига пеня тўлашга ва етказилган зарарни ҳам қоплаб бериши керак бўлади.**

Эслатиб ўтамиз, булардан ташқари, истеъмолчи бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига биноан ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам эга.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Юлдузхон МУХИДДИНОВА тайёрлади.

агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган мuddатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечиш ва етказилган зарарнинг қоплинишини талаб қилишга ҳақи.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатишда истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашёнинг йўқолиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай вазиятда жавобгарлик ижрочининг зиммасида бўлади.

мавжуд. Уларнинг 68 таси биологик туркум оилаларга мансуб бўлса, 200 дан ортиғи доривор ўсимлик ҳисобланади. Олтигаси эса эндемик турлардир. Баъзилари шу ёрнинг ўзигагина хос. Ҳозирда хонақилиштирилган ўрик, олма, анор, гило, pista, бодом, олхўри каби мева-вали дарахтларнинг табиий ҳолатдаги шакллари ҳам айни кўриқхона ҳудудида учратасиз. Грейв ва Кауфман лолалари, совунилдиз, Пском пиёзи, Коопман нормушлари шулар ҳумласидандир. Кўриқхона ҳайвонот оламига ҳам бой. Худуд узра парвоз этаётган туффа қўшларнинг галаси, уларнинг ёқимли хониши кишини мафтун этади.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хурият МҲМИНОВА.

Қидирув отрядлари вилоят ҳудудида қарийб ярим аср иш юритиб, узок ўтмишимиз саҳифаларини очишга эришди. Тарихчи, археолог ва геологларнинг бу улкан ишлари ўнлаб муҳим ишланмалар, юзлаб қизилқабди китоб, альбом ва ҳариталар яратилишига асос бўлди. Ўзбекистон халқлари тарихи ва Ўзбекистон давлат санъат музейларининг қадимий экспонатлар сақланадиган витрина ва омборхоналари Қанқа ва Шоҳруҳия, Қўлбулоқ ва Тункет, Обираҳмат ва Дуқентда топишган янги ашёлар билан бойиди.

Академик Юрий Буряков Чотқол-Курама ва Шош-Илоқ археология отрядлари сафидида юриб, Тошкент воҳаси тарихий ўтмишини ўрганишга катта қўлғайрат сарфлади. 2015 йилда Шош-Илоқ илмий-этнографик экспедицияси қайта тикланганини археолог ва этнографлар бошлаб берган хайрли ишлар эстафетасини давом эттириш ва вилоят маданий ёдгорликларини илмий ўрганишга оз бўлса-да, ҳисса қўшишга уриниш, дея баҳолаш мумкин.

Маълумки, Чирчиқ дарёси ҳавзасида ажойиб Шош шаҳри гуллаб-яшнаган. Оҳангарон дарёси бўйларида эса Илоқ давлати ўз қудрати билан кўпларни лол қолдирган. Ҳозирги экспедиция эса, Пском дарёсининг юқори оқимидан бошлаб, Кўксув ва Чотқол дарёларига қўйлабдиган жой, яъни Чорвоқ сув омборигача бўлган ҳудудларни босиб ўтди.

Бу ўрганиш ишлари "Угом-Чотқол" давлат миллий табиат боғи билан ҳамкорликда олиб борилди. Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ви-

лоят бошқармаси ва мазкур "Угом-Чотқол" миллий боғининг вилоятдаги биологик хилма-хиллигини асраш ва ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаси 2015 йилдан амалга оширила бошланди. Экспедиция таркибиде Фанлар академиясининг тарих, археология ва санъат институтлари олим-

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бошқармаси ташкил этган Шош-Илоқ илмий-этнографик экспедицияси дастлабки илмий ишларни ўтган йили Оққўрғон ва Оҳангарон туманларида олиб борди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илмий археологик экспедицияларга вилоятимизда ўтган юз йилликнинг 20-йилларида киришилди. Энг яхши археолог мутахассислар геологларнинг фаол иштирокида тадқиқот ишлари кўламини анча кенгайттирдилар.

ҚАДИМИЙ ТАМАДДУН ИЗИДАН



лари, расм ва этнографлар бор.

Қадимий Унгул мазори Бўстонлик тумани харитасида энг юқори нукта – биринчи тарихий объект ҳисобланади. Буни Чорвоқ археологик отряди 1964 йилда аниқлаган эди. Булар Пском дарёсининг ўнг қирғоғидаги қадимий қорлардир. Бу ерда қазмиш ишлари ўтказилмаган. Ёдгорлиқни тек-

ширган экспедиция у палеолит, яъни энг қадимги тош даврига тааллуқли бўлиб, жойида стационар чора-тадбирлар қўрилиши талаб этилади, деган хулосага келди.

Пскомнинг сўл қирғоғида

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Шунингдек, экспедиция Пском қишлоғида ҳам қадимий биноларни ўрганиш билан шуғулланди. Мавлоно "Асомиддин Шойиқ қадимжоси ҳам ана шулардан бири. Кўхна мазор ҳудудидаги қадимий қабрлар-боғ нозир ва ходимларига нисбатан экспедиция аъзоларида хурмат-эҳтиром уйғонди. Улар ҳар бир ёдгорлиқнинг эмин-эркин ўрганиш учун қулай шароитлар яратиб, юриш хатарли жойларда ҳавфсизлиқни таъминлаб, экспедициянинг муваффақиятли олиб борилишига амалий ёрдам бердилар. Бу бақувват, довурак кишиларнинг экспедиция ишига бу қадар қизиқишлари ва хайрихоҳлик билдиришлари сабабини тушуниш мумкин. Улар она заминга меҳр қўйган табиат қўриқчиларидир.

Олдинда ҳали янги йўналишлар кутмоқда. Шош-Илоқ экспедицияси Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари бўйлаб узок ҳудудни босиб ўтади. Бу ерларда Ўрта асрларда 50 дан зиёд шаҳарлар гуллаб-яшнаган. Шуниси диққатга сазоворки, экспедиция таркибиде академик Юрий Буряковнинг иқтидорли шогирди Дилмурод Нормуродов, Угом-Чотқол миллий боғининг ёш мутахассислари Шоҳида Мирзаахмедова ва Лилия Кузмина ҳам бор. Шоҳида табиий ёдгорлик ва муқаддас қадимжоларга қизиқади. Лилия – микробиолог, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўйича мутахассис. Шунингдек, санъатшунослик номзоди, доцент Абдуманноб Зиёев, расм, меъмор Муҳаммад Фозил, дизайнер, ўлкамиз аҳолисининг миллий қийим ва урф-одатларини ўрганивчи Фахрута Саломова экспедиция фаолияти давомида бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи.

Таъкидлаш жоизки, миллий

дан бири устига тош қадалган бўлиб, ўртадаги тошга арабий сўзлар ёзилган. Ушбу матннинг айрим қисмини ўқиш қийин. Демак, мутахассислар олдинда матнни тўлиқ ўқиб, англаш вазифаси турибди.

Археологлар Пском дарёси бўйлаб жойлашган Такаёнқоқ, Испай, Тепар қишлоқларидаги бир нечта археологик ёдгорликлар чуқур ўрганилиши, кўплаб ёдгорликларнинг сатҳини ўлчаб, тавсиф бериш ва тарихий санасини аниқлаш кераклигини таъкидладилар.

Табиий ёдгорликлар ҳам худди археологик топилмалар каби кўпичина емирилиш ҳавфи остида қолади. Шу сабабли, экспедиция Урунқоқ қўли томон йўл олди. Кейинги пайтда бу ерда дам олувчилар кўпайгани туфайли кўл атрофига турли чиндилар ташланмоқда. Афсуски, озик-овқат қолдиқлари билан кўл суви ҳам ифлосланмоқда. Таъкидлаш жоизки, миллий

Умидли дунё

УЙДА ҚОЛСАНГ БЎЛМАСМИДИ, ЮРАГИМ!

Осмонга қарайман, қуёшга ҳам узок... Тепага юқорилаганинг сари ўнлаб, юзлаб, минглаб инсонлар таний бошлайди. Ўз навбатида, сизда ҳам қанча-қанча инсонларни юқоридан кузатиш имкони пайдо бўлади. Бора-бора менинг ўнг кўзим қулса, чап кўзим йиғлайдиган бўлиб қолди. Чунки, бир вақтнинг ўзида дунёдаги энг бахтли инсонни кўриб, қувонасиз, бошқаси адолатсизлик қурбони бўлганига гувоҳ бўлиб, беихтиёр кўзёш тўкаси...

Баъзида ўйлаб қоламан, мен машаққатли ва қалтис йўлга чиққанимни билар-

димку?! Бу йўлда асал тоғи бўлиш учун аввал қалам-пир чайнаш кераклигини ҳам англаганман. Лекин, бу йўлга чиққанимда бир нарсани адашиб олганман, деб ўйлайман. Мен юрагимни уйда қолдиришим керак эди. Чунки, қуёшга етиб борганимча, билмадим, бу юрак қай ҳолда бўлади. Эзилавериш, қуявериш, парчаланавериш... Лекин, энди кеч. Сафарга у билан отланганман, унга ҳамроҳ бўлиб туну-кун ухламайдиган виж-доним эргашган...

Зиёда ФАРҲОД қизи, Олмалиқ кон-металлургия касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

МАЙДОНДА – ГАНДБОЛЧИ ГЎЗАЛАР

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида гандбол бўйича хотин-қизлар ўртасида бошланган Осиё чемпионлар лигаси мусобақасида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.



Энгил атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Тошкент вилояти умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Намангандаги "Баркамол авлод" стадиони мезбонлик қилган мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан келган турт юз нафарга яқин ёш спортчи голиблик учун куч синашди. Мусоба-

Халқаро миқёсдаги ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистоннинг "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" ва "Uzbechka", Қозғистоннинг "ILE" ва "Almaty", Эроннинг "Larestan" ҳамда Хиндистоннинг "India" жамоалари голиблик учун ўзаро баҳслашмоқда.

Мусобақанинг дастлабки турида олмалиқлик гандболчи қизлар кучли рақиб – Қозғистоннинг "ILE" клуби билан 36:36 ҳисобида дуранг ўйнади. Вилотимиз вакиллари иккинчи тур учрашувида Хиндистоннинг "India" жамоасига қарши майдонга тушди. Голларга бой бўлган баҳсда "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" жамоаси 45:27 ҳисобида зафар қучди. Мусобақа давом этмоқда.

ЭПЧИЛЛИК САБОҚЛАРИ

қанда вилотимиз вакиласи Лобар Абдуқаюмованинг иқтидори ва истеъдоди муҳлису мутахассислар эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Лобар қизлар ўртасида 300 ва 600 метрга ўтказилган югуриш баҳсларида барча рақибларини ортда қолдириб, маррага биринчи келди. Эстафета беллашувидаги жамоадош дугоналари

билан бирга голиб чиқиб, чемпионатдаги учинчи олтин медални ҳам қўлга киритди.

Яна бир олтин медалга ўғил болалар ўртасида 110 метрга тўсиқлар оша югуришда энг тезкор натижа қайд этган вилотимиз спринтери Сергей Мешчанов сазовор бўлди.

Шунингдек, енгил атлетиканинг турли йўналишлари – узун-

ликка сакрашда Ксения Борушева қумуш, Валерия Горбатова бронза медалга эга бўлди. Балангликка сакраш мусобақасида Аслан Хадик ва Валерия Горбатова учинчи натижани қайд этди. Омина Саидмуродова тўғрива узокқа отиш бўйича совриндорлар қаторидан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Ҳаводан «ҳалво...»

Финляндиянинг Лаппеэнрант университети олимлари ажойиб ускуна яратишди. Унинг ёрдамида ҳаводан овқат компонентлари ажратиб олиниб, таомга айлантирилади.

Ускуна биореактор, деб аталиб, ҳаводаги захарли газларни ютиб, улардан микроорганизмлар ишлаб чиқаради. Кейин эса йиғилган микроорганизмлар тоқ таъсирини тушади. Натижа шундай бўладики, ҳалок бўлган бактериялардан оксил ва шакар молекулалари ажралиб чиқади. Сўнгги операция молекулаларни қуритиш палласига киритади. Қуриган молекулалар эса турли шаклдаги фойдали моддалардан иборат таомга айланади.

Тўғри, ҳозирча ускунанинг молекула тайёрлаш имконияти чегараланган. Аммо, олимлар яқин келажада биореакторнинг катта ҳажмидаги янги авлодини яратишга бел боғлашади. Мутахассислар биореактор ёрдамида озик-овқат тақчиллиги муаммосига ечим топилади, деган умиддалар.

Хўжағат иситмани туширади

Хўжағат (малина) – таркибиде салицил кислотаси бўлган фойдали мева. Ушбу резавор мева худди аспири (ацетилсалицил кислотаси) каби тана ҳароратини туширади. У оғрикни қолдиради ва қонни суялтиради.

Лекин, аспирининг ноҳўя таъсири каби меъда шиллиқ пардасини яллиғлантирмайди. Шунинг учун ҳам хўжағат меъда яраси ва гастрит билан оғриган бемор кишилар учун мутлақо зарарсиздир. Хўжағатдаги салицил кислотаси термик, яъни иссиқлик таъсири сабабли қайта ишловдан сўнг ҳам сақланиб қолади. Шу боис, бу мевани фақат сархил ҳолда тановул қилиш (энг яхшиси – 0,5 стакан) тавсия этилади. Ундан мураббо, шинни ва шарбат тайёрлаш мумкин. Хаммасидан ҳам қуритилган хўжағат кўпроқ шифобахш таъсирга эга. Унинг сархил ва қуритилган мевалари яллиғланишга қарши ва иссиқ туширувчи хусусиятларга эга. Ушбу фойдали хусусият йил давомида сақланиб қолади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.



АҚШДА БЕКОБОДЛИК БОКСЧИНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЎТАРИЛДИ



Бекободлик чарм қўлқоп устаси профессионал рингдаги учинчи жангини АҚШдаги "Convention Center" мажмуасида мексикалик Виктор Росасга қарши ўтказди. Рақиб анча тажрибали – профессионал боксда 16 та жанг ўтказганига қарамай, кескин ва мурасиз курашлар остида

ўтган учрашувдаги устунлик Фазлиддин томонига бўлди. Саккиз раундлик жангдаги зарбалар ҳисоб-китоби билан шуғулланган ҳакамлар бир овоздан ўзбек йигитининг ғалабасини эълон қилди.

– Мен кўпичина Ватанимиздан узокда рингга чиқсам ҳам, доимо хал-

Бокс бўйича Олимпия ўйинлари голиби Фазлиддин Фойибнazarов навбатдаги ғалабаси билан спорт ҳар қандай мамлакат довуригунни тез ёғдиган ва одамлар қалбини гурур-ифтихорга тўлдирадиган восита эканини яна бир карра исботлади.

қимиз мени қўлаб-қувватлаб туришини ҳис қиламан, – дейди Фазлиддин Фойибнazarов. – Бу менга руҳий устунлик, қўшимча куч-қувват беради. Шундай экан, менинг ғалабаларимда бутун юрдошларимизнинг ҳиссаси бор. Кейинги беллашувларда ҳам фақат голиб бўлиш учун майдонга чиқаман.

Фазлиддин Фойибнazarов айна пайтда устози Аббос Турсунпўлатов билан бирга АҚШда навбатдаги жангга тайёргарлик кўрмоқда. Мазлуотларга қараганда, вилотимиз боксчиси кейинги учрашувини 9 декабрь куни Нью-Йорк шаҳридаги машҳур "Madison Square Garden" аренасида ўтказиши

қарор қилинган.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусавҳҳи
Қумуш ЭҒАМБЕДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Буюртма V-114. Адади 7 002. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғос бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Қорхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.